



ИНСОН ҚОНУН ВА

hudud24
Endi 24 soat siz bilan!

- ✓ Энг сўнгги хабарлар
- ✓ Ҳуқуқий маълумотлар
- ✓ Таҳлилий мақолалар
- ✓ Мурожаатга жавоблар

22 декабрь 2020 йил / № 51 (1255)

www.hudud24.uz

insonvaqonun@adliya.uz

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Иқтибос

БУГУНГИ ҚОНУНЛАР АДОЛАТЛИМИ?

ҚОНУНЛАРНИНГ ҳаммаси ҳам адолатли бўлавермайди-ку, тўғрими? Бугунги кунда қонунлар адолатлими, улар халқ дардини инъикосими, бу ҳужжатлар одамлар муаммосини ечадими, йўқми? Адлия вазирлиги сифатида биз шунга эътибор қаратаймиз.

Қонунчиликка гильотина тушунчасини киритдик. Бу кесиб ташлаш, дегани. Бизда амалиётда юктамалар жуда

кўп, қонуности ҳужжатлар, идоралараро ҳужжатлар ва ҳоказолар. Масалан, тадбиркор бўламан, десангиз камида мингта ҳужжатни билишингиз керак. Мақсадимиз, қонунчиликни шундай тизимлаштириш, тадбиркорларга ёхуд қайси соҳа вакили бўлса ўша одамларга эркин фаолият юритиши учун ортиқча юклама бўлмаслигини таъминлаш.

Бунинг учун қонуности ҳужжатларини имкон қадар камайтиришга ҳаракат қилаймиз. Яқинда Президентимизнинг битта қарори билан 500 та ҳужжат бекор қилинди. Яна 2000 та ҳужжат бирданига бекор бўлади. Бу бўйича ҳам Ҳукумат қарори лойиҳаси тайёрланди. Охириги икки йилда 800 та идоравий ҳужжатни йўқотдик.

ҚОНУН ҲАММАГА, ҲАММА ЖОЙДА ТЕНГ БЎЛИШИ КЕРАК!

Қонунларни зўр қилдик, ҳам дейлик. Уларнинг амалиёти-чи? Бу ерда қонун ҳамма учун тенг амал қилиши керак, деган тушунча энг муҳими бўлиши шарт. Бунинг учун нафақат Адлия вазирлиги бошқа ҳуқуқни қўллаш идоралари ҳам биргаликда ҳаракат қилиши лозим. Қонунни қўллашда умумий ёндашув бўлиши жуда муҳим. Ўзбекистон фуқароси Қораўзақ туманига борса ҳам, Шаҳрихон туманига борса ҳам бир хил қонун ижросини кўрсин. Давлат томонидан унга муносабат бир хил бўлиши керак.

Адлия вазирлиги Русланбек Давлетовнинг “Тошкент ёшлар форуми – 2020” доирасида ташкил этилган “Ҳуқуқий Тошкент — 2030” мавзусидаги очиқ мулоқотидан олинди.



Русланбек ДАВЛЕТОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги

СУД ВА СУДЬЯ: ДАВРА СУҲБАТИ



Холмўмин ЁДГОРОВ,
Ўзбекистон
Республикаси Судьялар
олий кенгаши раиси



Шерзод АБДИҚОДИРОВ,
Судьялар олий кенгаши
аъзоси



Қаҳрамон ИСАРОВ,
жиноят ишлари бўйича
Янгийўл шаҳар суди
раиси



Сирожиддин ҚУВВАТОВ,
Жиззах вилоят
иқтисодий суди судьяси



Ирода МУҲАММЕДОВА,
жиноят ишлари бўйича
Бектемир туман суди
раиси



Акмал МИРЗАХОНОВ,
жиноят ишлари бўйича
Мирзо Улуғбек туман суди
судьяси



Муҳаммад ҚАЮМОВ,
жиноят ишлари бўйича
Мирзо Улуғбек туман суди судьяси



Дўсмурод ТОШЕВ,
Чилонзор туман
маъмурий суди судьяси

АДОЛАТ ШУНЧАКИ АЙТИЛАДИГАН СЎЗ ЭМАС, БАЛКИ ҲАЁТНИНГ БОШ МАЪНОСИ

2020 йил 7 декабрда давлатимиз раҳбари томонидан “Судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш ҳамда суд тизимида коррупциянинг олдини олиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди.

Қуйидаги давра суҳбатида судьяларимизнинг мазкур Фармон моҳияти ва ундан келиб чиқадиган вазифалар тўғрисидаги фикр-мулоҳазалари билан батафсил танишасиз.

Холмўмин ЁДГОРОВ, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши раиси:


— Дарҳақиқат, бугун АДОЛАТ — шунчаки айтиладиган оддий сўз эмас, балки ҳаётнинг бош маъноси, тараққиётнинг таянч нуқтасига айланди. Суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган тарихий ислохотлар замирида ҳам жамиятда узил-кесил адолатни қарор топтиришдек улуғ мақсад ётибди.

Мазкур Фармон мазмун-моҳиятига кўра, суд-ҳуқуқ тизимида амалга ошири-

лаётган ислохотларнинг изчил давомидир. Зеро, суд ҳокимияти мустақиллиги, судьялар дахлсизлигини самарали таъминламай туриб, жамиятда адолат барқарорлигига эришиб бўлмайди. Бу эса, ўз навбатида, суд ҳокимияти тизимида коррупция ҳолатларини келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни чуқур ўрганиш, таҳлил қилиш орқали зарур ва кечиктириб бўлмас чоралар қўллашни ҳам тақозо қилади. Фармон ҳар икки омилни батараф этишда ҳуқуқий асос вазифасини бажаради. Чунки мазкур ҳужжатда судьялар мустақиллигини

таъминлаш ва суд тизимида коррупциянинг олдини олиш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгилаб берилмоқда. Бунда судьяларнинг касбий малакаси, маънавияти ва масъулиятини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиши алоҳида қайд этилаётир. Зотан, касбий малакаси билан маънавияти ва масъулияти уйғун бўлган шахсина адолат тарозисини тортишга ҳақлидир.

4,5-БЕТЛАР



Коня — Кичик Осиёнинг кўҳна ва боқий шаҳарларидан бири. Бугунги кунда икки ярим миллиондан ортиқ аҳоли истиқомат қиладиган бу шаҳар ўтмиш ва бугун, тарихийлик ва замонавийликнинг, Шарқ ва Ғарбнинг кўпгина жиҳатларини ўзида мужассам этган. Бироқ бу кўҳна ва навқирон кентдаги энг гавжум, серфайз ва мунаввар маскан Мавлоно Жалолиддин Румий мақбарасидир.

ТУРКИЯДА буюк мутафаккир Мавлоно Жалолиддин Румий Ҳаққа етишган кун — “Шаби арус” тадбирлари бўлиб ўтди.

“Ё аслинг каби кўрин, ё кўринганинг каби бўл!”:

Румий Ҳаққа етишган

УЛУҒ КУН

●● Балхдан то Румгача

Она томонидан Хоразм-шоҳлар авлодига мансуб бўлган мавлоно Жалолиддин Румий, маълумотларга кўра, 1207 йилда Балх шаҳрида таваллуд топган. Тарихчиларнинг айтишича, у зот буюк саркарда Жалолиддин Мангубердиннинг жияни бўлгани боис, ота-онаси кичик шаҳзодага ҳавас қилиб, ўғилларига унинг исмини беришган. Румий ва Мангуберди орасидаги фарқ 7-8 йилни ташкил қилган. Румийнинг отаси Баҳоуддин Валад ўз замонасининг етук донишманди, фикр ва тасаввуфнинг зукко намоёндаларидан эди.

Ўша пайтда юртда ҳукм сурган сиёсий бекарорлик, шунингдек, Чингизхон бошчилигидаги мўғуллар таъқиби бу оилани муҳожирликка ундади. Баҳоуддин Валад ўз оиласини олиб, Ҳаж зиёрати баҳонасида Румга кўчиб кетади. Йўлда уларга буюк мутафаккир Фаридууддин Аттор дуч келади. Бу пайтда Жалолиддин ўн-ўн икки ёшлар чамасидаги ўсмир эди. Улуғ мутафаккир ёш Жалолиддинни кўриши билан унинг буюк инсон бўлиб етишишни қаромат қилган ва унга оқ фотиҳа берган экан.

1220 йилда Румий ўз оиласи билан Кичик Осиёдаги Коня шаҳрига келади. Аввал шу ерда, кейин Ҳалаб, Дамашқ ва Бағдоддаги мадрасаларда таҳсил олади ва талабаларга сабоқ беради. Румийнинг камолот чўққисини забт этишида ўз замонасининг буюк алломаларидан бири шайх Шамс Табризий билан учрашуви жуда катта аҳамият касб этади. Бу тарихий воқеа милодий 1244 йилнинг кеч куз ойларида Коня шаҳрида юз беради.

●● Буни завқи ҳол дерлар

Ҳазрат Навоий “Насойим ул-муҳаббат” асарида Румий ва Табризий учрашувини қуйидаги ривоят билан боғлайди: Мавлоно Румий Коняда бир ҳовуз бўйида кўп китобларни мутулаа қилиб ўтирганида, Шамс Табризий бир дарвеш қиёфасида унинг ёнига келади ва “бу қандай китоблар?”, деб сўрайди. Шунда мавлоно “бу қийлу қолдир, бу билан сенинг нима ишинг бор”, дея танбеҳ беради. Шунда Шамс Табризий бу китобларни ҳовузга ташлайди. Румий ғазаб ила қўзғолиб, “нима

қилиб қўйдинг, бу китобларнинг кўпчилиги отамдан менга ёдгор бўлиб қолган эди, энди уларни қандай топаман”, дея фарёд солади. Шамс Табризий эса ҳамма китобларни куп-қуруқ ҳолатда сувдан чиқариб беради. Румий ҳайратланиб, “бу не синоатдур?”, дея сўрайди. Шамс Табризий “Буни завқи ҳол дерлар, бу билан сенинг не ишинг бор”, дея жавоб қайтаради. Шундан сўнг бу икки буюк зот ўртасида унсият юзага келади.

●● Икки денгиз туташганда...

Чиндан ҳам Шамс Табризий ва Жалолиддин Румий ўртасидаги самимий дўстлик, устоз ва шогирдлик муносабатлари улуғ мутафаккир ҳаёти ва ижодида катта бурилиш ясади. У Табризийдан тасаввуф, диний ва дунёвий илмларни пухта ўрганди. Маънавий жиҳатдан юксак камолот чўққисини забт эта олди. Румий ўз устозига шу қадар ихлос қўйган эдики, ҳатто ўз ғазалларида ҳам унинг таҳаллузини қўллаш бошлади. Шу боис Румийнинг шеърий тўплами “Девони Шамс Табризий” номи билан шуҳрат қозонган.

Устоз ва шогирд орасидаги муносабатлар Румийнинг издошлари, мухлисларига унча ёқмасди. Улар устоз ва шогирдни бир-биридан узоқлатишга ҳаракат қила бошлайдилар. Алал-оқибат, Шамс Табризий айрим ғаламис кимсаларнинг босими остида Коняни тарк этади. Баъзи маълумотларга кўра, Табризий хоинона ўлдирилган, бошқа тарихчилар фикрича, у Табризга қайтиб умрининг охиригача ўша ерда яшаган.

Конядаги Мавлоно турбаси яқинидаги бир мақбарани ҳам Шамс Табризийга нисбат беришади.

●● Уйғоқ руҳлар маскани

Мавлоно Румий мақбараси эртаю кеч дунёнинг турли бурчакларидан келган зиёратчилар билан гавжум. Мазкур ёдгорлик мажмуаси Мавлононинг ҳаётлик чоғида макон тутган хонақоҳлари, музей, масжид ва мақбарани ўз ичига олади. Мақбарага кириверишда бу маскан хусусида бир байт дарж этилган:

*Ишқ элининг каъбасидур
бу мақом,*

*Бунда ҳар дард чорасин
топгай тамом.*

Бу нурли масканга қадам қўйишингиз билан чиндан бутун борлигингизни ажиб бир тароват қамраб олади. Махсус карнайлардан таралаётган ҳазин най наволари руҳингизга оҳиста киради. Беихтиёр Мавлононинг ўлмас мисралари ёдга тушади:

*Тингла, най андоқ
ҳикоятлар қилур,
Айрилиқлардан
шиқоятлар қилур...*

Мажмуани кезаркансиз, ҳар қадамда бир ҳикмат мағзини чаққандек бўлаверасиз. Музей экспонатлари орасида Мавлоно Румийга тегишли бўлган шахсий ашёлар, қўлёзмалар, кийим-кечакларни ҳам учратиш мумкин. Бу даргоҳни ихлос билан зиёрат қилар экансиз, шу атрофда баайни буюк мутафаккирнинг пок, уйғоқ руҳи кезиб юргандек туюлади.

●● Дўст ҳузурига сафар

Ривоят қилишларича, Мавлоно Румий вафот этаётган чоғларида ул зотнинг шогирдлари, мухлислари қайғуга тушишади. Шунда Мавлоно: “Нега сизлар хафа бўлаяпсизлар? Ахир, дўст ҳузурига кетаяпман-ку? Бу аза эмас, балки тўйдир, чунки мен дўст васлига етишиш учун кетаяпман-ку?”, деган эканлар. Шу сўзларни айтиб, улуғ мутафаккир улуғвор табассум ила жон таслим қилган. Бу воқеа милодий 1273 йил 17 декабрда юз берган эди. Мана, орадан салкам етти ярим аср ўтибдики, Мавлоно Румийнинг издошлари бу кунни Дўст ҳузурига сафар тантанаси сифатида нишонлайдилар. Мавлавия тариқатида бу маросим “Шаби арус” деб номланади. Бу сўз таржима қилинганда, “тўй оқшоми”, “висол кечаси” каби маъноларни англатади.

Коня шаҳрида ушбу тадбир ҳар йили алоҳида тараддуд ва кўтаринчилик билан бошланади. Дунёнинг турли ҳудудларидан Мавлоно Румийнинг ихлосмандлари, Мавлавия тариқати вакиллари, олим ва мутахассислар, санъат ва маданият намоёндалари тўпланадилар. Румий ҳаёти ва ижодининг инсоният тарққиётидаги ўрнига бағишланган анжуманлар ўтказилади.

“Шаби арус”нинг ўзига хос тадбирларидан бири мавлавий дарвешларнинг “Само” рақсига

тушиб, гир айланиб муқобалага киришидир. Бу рақс, ҳатто ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон номоддий маданий мероси рўйхатида ҳам киритилган.

Жорий йилда бутун дунёда коронавирус пандемияси ҳукм сураётганига қарамай, Туркия Ҳукумати бу тадбирни карантин талабларидан келиб чиққан ҳолда, муносиб тарзда нишонлашни мақсад қилган. Айни пайтда дунёнинг турли нуқталаридан мазкур тадбирга олимлар ва мутахассислар ташриф буюришмоқда. Бир гуруҳ ўзбекистонлик журналистлар ҳам “Шаби арус” тадбирини кенг ёритиш мақсадида келишган. Биз у ерда Румий авлодларидан бири билан учрашдик ва суҳбатини олишга муяссар бўлдик.

●● Румий меросига бутун инсоният ворисдир

Ёсен ЧЕЛЕБИ,
Жалолиддин Румийнинг 22-авлоди:

— Румий ҳазратлари ўз умри давомида фақат эзуликка, ҳам-жиҳатликка даъват этди. “Инсонларнинг кўзлари ранги ҳар хил бўлиши мумкин, аммо кўз ёшлар ранги бир хилдир”, деган эдилар ҳазрати мавлоно. Яъни, инсонлар қайси миллатга, қайси динга ёки ирққа мансуб бўлишидан қатъи назар унинг қалби, дард-аламлари, қувонч ва ташвишлари бир хилдир. Афсуски, бу ҳақиқатни илм-фан тараққий этган бугунги кунимизда ҳам инсоният англаб етганича йўқ. Заминнинг турли ҳудудларида турли низолар давом этмоқда. Ҳолбуки, инсонлар баъзан бир нарсани исташади, аммо бир-бирларини тушунишмайди. Худди ҳазратнинг тўрт йўловчи ҳақидаги ҳикоятидегидек... Айнан шундай. Ривоятларга кўра, араб, турк, форс ва юнон миллатига мансуб тўрт киши сафарда ҳамроҳ бўлиб қолади. Йўлда бир саховатли инсон уларга бир танга ҳада қилади. Шунда ҳамроҳлар бу пулга нима сотиб олиш ҳақида бош қотира бошлашади. Араб “инаб” олишни айтади, форс “ангур” хоҳлашини билдиради, турк “узум” егиси келаётганини, юнон эса, “стафил” хоҳлашини айтади. Шунда ўртада уруш келиб чиқади ва ҳамроҳлар муштлашиб кетишади. Шу пайт уларнинг ёнига ҳар тўрттала тилдан хабардор бир донишманд келади, у “шу пулга ҳар тўртталангиз истаган

нарсани олиш мумкин”, дейди ва уларга узум сотиб олиб беради. Ҳамроҳлар бундан хурсанд бўлиб кетишади. Аслида бу рамзий ҳикоя. Ҳар қандай жиддий муаммо инсонларнинг бир-бирини тўғри тушунмаслигидан келиб чиқади.

Румийнинг авлоди эканлигим мен учун юксак шараф. Шу боис, болалигимдан буюк бобомиз меросини чуқур ўрганиш учун Истанбул университетининг адабиёт факультети араб-форс филологияси бўлимида таҳсил олдим. Имкон қадар Мавлононинг ижодини тарғиб қилишга ҳаракат қилдим. Дунёнинг ўнлаб мамлакатларида турли учрашувларда, илмий анжуманларда қатнашдим. Қаерга борсам, иззат-икром билан қаршиландим. Бундан ортиқ нима керак? Мен ҳаммиша Яратганга дуо қилиб: “Ё роббим, менга берилган умрнинг сўнгига қадар Мавлононинг муборак йўлида хизмат қилишим учун имкон бер”, деб илтижо қиламан.

Ворис сифатида ҳазратдан менга моддий мерос қолгани йўқ. Мавлононинг бош мавлавийхонасида асрлар бўйи сақланиб келган, ҳазратга тегишли бўлган барча ашёлар бугун шу ерда, Румий музейида сақланмоқда. У зотдан қолган маънавий меросга эса, нафақат мен, балки барча инсонлар ворисдирлар.

Румийнинг ижоди назарий жиҳатдан Шарқ ва Ғарбда етарлича ўрганилмоқда. Бир пайтлар дунёнинг турли ҳудудларида юзлаб мавлавийхоналар, мавлавия мактаблари фаолият кўрсатган. Аммо мавлавийлик учоғи бўлган хонақоҳлар бугун барча ҳудудларда ўз фаолиятини тўхтатган.

У зотнинг “Мен Қуръони каримнинг қулман, ҳазрати Муҳаммад (с.а.в) юрган йўлнинг чангиман, агар сен шу сўзларимга рози бўлсанг мен сен биланман, акс ҳолда, сендан йироқдаман”, деган ҳикматлари Мавлоно таълимотининг бутун моҳиятини ифодалайди.

Ўзбекистон жуда гўзал ва қадимий диёр. Бу юртда ҳазрати Мавлонони қанчалик севишларидан, бу улуғ зотнинг меросини ўрганиш бўйича олиб борилаятган ишлардан хабарим бор. Афсуски, Ўзбекистонга ҳозирга қадар бориш насиб этмади. Аммо тез орада бу орзуимни амалга ошириш истагидаман.

Рустам ЖАББОРОВ,
Тошкент—Коня—Тошкент



БИЗНИНГ ҚОРЖОВ АКА:

БУНДАН РОППА-РОСА ЎН ЙИЛ МУҚАДДАМ, АЙНИ ДЕКАБРЬ ОЙИДА, ИШ ВАҚТИДА БИР ИНСОН БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ ГАПЛАШГАНДИМ. ЎШАНДА У КИШИНИНГ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МЕНГА ҚИЛГАН “ДАҒДАҒА”ЛАРИДАН РОСА ЖАҲЛИМ ЧИҚҚАНДИ. НИМА ЭМИШ: “АЛО, САЛОМ! МЕН СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТ АДЛИЯ БОШҚАРМАСИДАН ҚОРЖОВ ЧОРИЕВМАН, ГАЗЕТАДА ИШЛАГАНДАН КЕЙИН ГАЗЕТАНИНГ ВАҚТИДА ЧИҚИШИНИ, ВАҚТИДА ЎҚУВЧИЛАРГА ЕТИБ БОРИШИНИ ҲАМ ТАЪМИНЛАБ ҚЎЙИШ КЕРАК. ИККИ ҲАФТАДАН БУЁН ГАЗЕТАНИНГ ЮЗИНИ КЎРМАЙМАН, БУ НИМА ДЕГАН ГАП? БИЗ ГАЗЕТАГА ҚУТИШ УЧУН ЭМАС, ЎҚИШ УЧУН ОБУНА БЎЛГАНМИЗ...” ХУЛЛАС, ЎШАНДА МЕНИ ГАПИРИШГА ҲАМ ҚЎЙМАДИ, ЧАМАСИ БЕШ ДАҚИҚАЛАР У КИШИНИНГ ГАПИНИ ЭШИТИБ ТУРДИМ. ГАПИНИ ТУГАТГАНДАН СЎНГ ҲАМ ТЕЛЕФОН ГЎШАГИНИ ҚУЛОГИМГА ЁПИШТИРГАНЧА СУКУТ САҚЛАБ ТУРАВЕРДИМ. ШУНДА ТЕЛЕФОНДА ЯНА У КИШИНИНГ ОВОЗИ ЖАРАНГЛАДИ: “НИМАГА ЖИМ ТУРИБСИЗ ЁКИ ГАПЛАРИМ НОТЎҒРИМИ...?”

САНТЕХНИКДАН СУД РАИСЛИГИГАЧА БОСИБ ЎТИЛГАН ЙЎЛ

Шундан сўнг мен “тилга кирдим”: “Қоржов ака! Газетамиз вақтида чиқаяпти, сизга етиб бормаганининг сабабини биздан эмас, почтадан сўрасангиз бўларди. Газетани обуначига етказиб бериш уларнинг зиммасида”, дедиму гўшака қарадим, худди Қоржов Чориев деганлари бу гапимдан қониқмайди-ю яна менга “дўқ” ўқиса керак, деган хаёл билан.

Йўқ, ундай бўлмади. Қоржов аканинг бироз шашти тушди шекилли, “бизга газетани қайси почта обкелиши керак”, дея сўради. У кишининг мулойимроқ гапирганидан мен ҳам фойдаланиб қолай, дедим-да: “Қоржов ака, биласизми? Почталар ўз ишини вақтида бажармаганидан таҳририят ва обуначилар ўртасида мана шунақанги қалтис вазиятлар юзага келаяпти. Газеталар ўқувчиларга ўз вақтида етиб бормаяпти, улар билан яхши бўлиб ҳам, ёмон бўлиб ҳам кўрдик. Вазият эса мана ўзингиз гувоҳи бўлиб турибсиз...” (Аслида ҳам шундай эди.) Шундан сўнг Қоржов ака почта билан гаплашай-чи, яна телефон қилман, деди-да гўшакни қўйди.

Орадан чамаси бир соатлар вақт ўтиб, стол устида турган телефон жириглаб қолди. Гў-

шакни олиб, “алло” десам таниш овоз келди: “Ёрбекжон узр, сизга боя қаттиқроқ гапириб юбордим. Бизга келадиган газета почтада ётган экан, ҳозир кўлимга олиб келиб беришди. Уларга ҳам айтиладиганимни айтдим, (ичимда боғлабсиз, дедим) энди вақтида олиб келиб берамиз, дейишди. Менинг гапларимдан хафа бўлманг, соғ бўлинг”, деди-да телефонни ўчирди.

Шундан сўнг орадан бир ойча вақт ўтиб, Қоржов ака яна кўнги-роқ қилиб ҳол-аҳвол сўради. Мен ҳам у кишига ҳазиллашиб газета яна бормади қолдим, дея сўрадим. У киши эса “йўқ, газета-ку вақтида келаяпти, мен сизга бошқа мақсадда кўнги-роқ қилаяпман. Шу десангиз, газетада босиш учун битта-икита мақола тайёрлаган эдим, шуни бир кўрсангиз”, деб қолди. У киши юборган мақолаларни кўриб чиқдим, биттаси адлия бошқармаси томонидан амалга оширилаётган ишлар, яна биттаси фуқароларнинг мурожаатлари бўйича экан. Тўғриси, мақолалар яхши ёзилган эди. Энг муҳими, мақолаларда олди-қочди гаплар эмас, ўша даврнинг муаммолари ёритилган эди. Шу-шу бўлди-ю, Қоржов Чориев билан бир-биримизни кўрмаган бўлсак-да, ўртада қандайдир илиқ муноса-

бат пайдо бўлди.

Орадан икки йилча ўтиб мен Сурхондарё вилоятига хизмат сафарига борадиган бўлиб қолдим. Бу воқеага илк сафарим эди. Йўлга чиқишимдан олдин акага кўнги-роқ қилдим: “Қоржов ака, мен Сурхондарёга бораяпман, олдин ҳеч бормаганман, шунинг учун ўзингиз йўл-йўриқ кўрсатворасиз”, дедим. У киши эса гўёки мен олдин ҳам бир-икки бор Сурхондарёга боргандек “Хўп келаверинг, иложи бўлса тўғри ишхонага келинг, мен ишда бўламан”, дея хотиржам жавоб берди.

Кечқурун поездга чиқиб, эртаси куни тушлик вақтига яқин Термизга етиб бордим. Вокзалдан чиқсам кишининг совуқ шамолдан кўз очиб бўлмади. Бир амаллаб таксига ўтирдим-да, Қоржов акага кўнги-роқ қилиб, ҳайдовчига манзилни тушунтиришни сўрадим.

Адлия бошқармасининг олдида Қоржов ака кутиб турган экан. У киши билан ичкарига кирдик. Яшириб нима қилдим, ичкарига кирсак ташқаридан баттар совуқ. (Ўша вақтлар адлия бошқармасининг биноси эски эди). Ака билан “иссиққина” хонасида ҳол-аҳвол сўрашдик, бу бизнинг биринчи марта юзма-юз суҳбатлашимиз эди.

Хуллас, икки кун Қоржов аканинг ҳузурда бўлиб, ҳам ишларни битирдим, ҳам аканинг шу кунгача босиб ўтган ҳаёт йўли билан танишдим. Яна у кишининг илк бор менга телефон қилиб, газета ўз вақтида бормаётганини айтиб “дағдаға” қилганлигининг ҳам боисини англадим. Қоржов Чориев малакали кадр, етук юрист бўлиши билан бирга маънавиятга, маърифатга ошно одамлигини англадим.

Қоржов акамизнинг яна бир одати бор. Агар вилоят адлия бошқармасидан бирор мақола ё хабар жўнатса, газетада чоп этилмагунча тинмайди: “Мен Сизларга яхши мақола жўнатганман. Хатоси бўлса айтинглар. Бу навбат кутадиган нарсасиз, деб туриб олади. Камига газета Бош муҳарририга ҳам сим қоқиб, мақола юзасидан куйиб-пишиб ўз фикрларини айтади. Хуллас, ушлаган жойини узадиганлар тоифасидан.

Қоржов Чориев иш фаолиятини сантехникдан бошлаб, туман суди раиси, Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси бошлиғи биринчи ўринбосарлигигача вазифаларда самарали меҳнат қилган. У киши билан суҳбат асносида яна шуни билдимки, Қоржов Чориев қаерда, қандай лавозимда ишлаганини, ҳар бир

ишни қонун доирасидан чиқмаган ҳолда бажаришни ўзининг бурчи ва елкасидаги масъулияти, деб билган.

Сафардан қайтар эканман, Қоржов ака билан кечган гурунларимиз хаёлимдан кетмади. У кишининг турли соҳалардаги қизғин иш фаолияти, фарзандлар тарбиясидаги ўғитлари, шогирдларига муносабати, хуллас, ҳавас қилса арзигулик ҳаёт йўли ҳақида нимадир ёзишим керак, деб ўйладим.

Аммо мана кўриб турганингиздек, орадан яна анча йиллар ўтди. Қоржов Чориев ҳақида бирон нарсасиз эмасам-да, у киши билан доим хабарлашиб турдик. Яқинда ака фаолиятини бошқа жойда давом эттираётганини айтиб, кўнги-роқ қилиб қолди.

Бугун Қоржов Чориев Сурхондарё воҳасидаги “Surxonsement invest” хорижий корхонасида бош директор ўринбосари лавозимида фаолият юритмоқда.

Ҳа, бундай инсонлардан ҳар қанча ўрнатқан олсак, маслаҳатига қулоқ тутсак, илло, ўзимиз ҳам кам бўлмаймиз.

Қоржов ака! Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, ишларингизга муваффақият тилаймиз. Соғ бўлинг!

Ёрбек ИСКАНДАРОВ,
“Инсон ва қонун” мухбири

ОДАМЛАР РОЗИ БЎЛСИН



ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ ҚОРАҚҮЛ ТУМАНИДАГИ ХАЛҚ ҚАБУЛХОНАСИГА ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 18 ДЕКАБРЬ КУНИГА ҚАДАР ФУҚАРОЛАРДАН 1213 ТА МУРОЖААТ КЕЛИБ ТУШГАН, УШБУ МУРОЖААТЛАРНИНГ 1195 ТАСИ БЎЙИЧА ҚОНУНИЙ ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН БЎЛИБ, ШУНДАН 428 ТА (36 ФОИЗ) МУРОЖААТ ИЖОБИЙ ҲАЛ ҚИЛИНГАН, 751 ТА МУРОЖААТГА ҲУҚУҚИЙ МАЪЛУМОТ ВА ТУШУНТИРИШ БЕРИЛГАН 78 ТА МУРОЖААТ БЎЙИЧА ЎРГАНИШЛАР ДАВОМ ЭТТИРИЛМОҚДА.

Мурожаат ортида инсон бор...

Биз бунга бефарқ эмасмиз

Хусусан, “Човли” маҳалла фуқаролар йиғинида 1954 йилда қурилган “Гулистон”, “Қирққалъа”, “Навбахор” қишлоқлари билан “Қуйи Янгибозор” МФЙни туташтирувчи 4200 нафар аҳолига хизмат қилаётган кўприк ярқисиз ҳолга келиб қолганлиги тўғрисидаги аҳолидан келиб тушган мурожаатларга асосан тегишли мутахассислар жалб қилиниб, кўприкни тўлиқ янгидан қуриш ишлари якунланиб, фойдаланишга топширилди.

Шунингдек, “Чекирчи” МФЙда истиқомат қилувчи фуқаро Дамир Аллабердиев кўшни Туркменистон Республикасида

туғилганлиги сабабли кўп йиллардан буён туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома, фуқаролик паспорти йўқлиги ҳақида қилган мурожаати юзасидан фуқарога биринчи навбатда тегишли ҳужжатлар асосида туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома олиб берилди. Ҳозирда фуқаролиги бўлмаган шахсга бериладиган гувоҳнома олиш учун зарурий барча тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилиб, тўловлари ҳомийлар томонидан тўлаб берилди. Шунингдек, фуқаро Д.Аллабердиев оилали бўлиб, 2 нафар вояга етмаган фарзанди бор, турмуш ўртоғи II-гурӯх ногирони, уларнинг шу

кунга қадар муқим яшаши учун уй-жойи бўлмаган, ижара асосида яшаб келаётганлиги аниқланди ва ушбу масала туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда ўрганиб чиқилиб, Д.Аллабердиевга Қорақўл туман марказидаги “Эски қалъа” МФЙда янгидан тўлиқ реконструкция қилинган, барча зарурий жиҳозлар билан таъминланган 2-хонали уй 5 йил муддатга яшаш учун берилди.

Халқ қабулхоналарининг асосий вазифаларидан бири аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқотни ташкил этиш ҳамда фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига, Президент Администрациясига, Ҳукуматга, суд-ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органларига, шунингдек, давлат ва ҳўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа давлат ташкилотларига мурожаат қилишга оид конституциявий ҳуқуқларининг сўзсиз амалга оширилиши учун шароитлар яратишдан иборат. Шунга асосан жорий йилнинг 9-12 октябрь кунларида Республика ишчи гуруҳининг оммавий сайёр қабули ташкил қилиниб, қабуллар жараёнида 58 та фуқаронинг узоқ йиллардан буён ҳал қилинмасдан келинаётган муаммолари муҳокама қилиниб, ушбу мурожаатлардан 20 тасига шу куннинг ўзида ечим топилди, 38 та мурожаатнинг ижроси қисқа муддатларда ҳал

қилиш учун Халқ қабулхонаси томонидан назоратга олинди.

Хусусан, қабул жараёнида “Тожиқент” МФЙда яшовчи фуқаро Гулшода Холлиева икки нафар фарзандини контракт асосида таълим кредити олиб ўқитаётганлиги, жорий йилда учинчи фарзанди ҳам Денов педагогика олийгоҳига контракт асосида ўқишга кирганлиги, аммо ҳозирги кунда оилавий шароити оғирлиги сабабли учинчи фарзанди Феруза Муродованинг котракт пулларини тўлашда қийналаётгани сабабли, ушбу контракт пулларини тўлаб беришда амалий ёрдам сўраб мурожаат қилган. Фуқаронинг мазкур мурожаати туман ҳокимлиги ва ҳомийлар билан ҳамкорликда ўрганиб чиқилди ва талаба учун контракт пули тўлаб берилди.

Қорақўл туман Халқ қабулхонаси томонидан фуқароларнинг мурожаатлари ўрганилиши ва қонуний ҳал қилиниши доимий равишда мониторинг қилиб борилмоқда, фуқаролар мурожаатлари билан ишлашда қонунбузилиш ҳолатлари бўйича тегишли корхона ва ташкилотларга 11 та тақдимнома ва таклиф киритилиб, 3 та ходимга нисбатан интизомий жазо қўлланилди. Амалга оширилаётган ишлар оммавий ахборот воситаларида мунтазам равишда ёритиб борилмоқда.

Авлиёкул ОҚЎИЕВ,
Қорақўл туман Халқ қабулхонаси мудири

Адолат шунчаки балки

►►► Давоми. Бошланиши 1-бетда

Судьялар дахлсизлигини бузиш — одил судловга таъсир ўтказишдан бошқа нарса эмас. Шундан келиб чиқиб, судьянинг дахлсизлигини бузганлик ва одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига аралашганлик ҳолатларини алоҳида кўриб чиқиш тартиби жорий этилмоқда. Бунда Судьялар олий кенгаши раисининг прокуратура органларига тақдимнома киритиши ва у бир ой ичида кўриб чиқилиб, жиноят иши кўзгатишга ёки кўзгатиш рад этилгани ҳақида бош прокуратурага хабар бериши лозимлиги алоҳида кўрсатиб ўтилди. Шунингдек, тегишли малака ҳайъатлари розилигисиз судьяларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга гувоҳ ёки гумондор сифатида сўроққа чақирилишига йўл қўймаслик каби янги тартиблар судьяларнинг дахлсизлигини таъминлашда муҳим омил бўлишига шубҳа йўқ.

Суд тизимида ички хавфсизликни таъминлаш, коррупциянинг олдини олиш бўйича махсус тузилма мавжуд бўлмагани бундай иллатга қарши кураша олмаганимизни кўрсатиб қўйди. Шундан келиб чиқиб, коррупцион омилларни тўлиқ бартараф этишнинг пухта ҳуқуқий механизмларини жорий қилиш мақсадида Судьялар олий кенгаши таркибига коррупцияга қарши курашиш ва судьялар дахлсизлигини таъминлаш бўйича алоҳида инспекция ташкил қилинмоқда. Бундай инспекциянинг ташкил қилиниши эса коррупцияга оид хабарларнинг тўлиқ, холисона ва энг муҳими, ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлайди. Бундан ташқари, коррупцияга олиб келувчи омилларни тизимли таҳлил қилиш ва бартараф этиш имкониятини ҳам кенгайтиради.

Суд ҳокимиятига бўлган ишонччи янада оширишнинг иккита асосий талаби бор: тизимни ҳалол пок кадрлар билан тўлдирив ва суд органлари фаолиятида очиқлик ҳамда шаффофликни амалда таъминлаш. Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш орқалигина ҳар икки омилни амалда самарали таъминлаш мумкин. Бундан бошқа восита йўқ. Фармон талабларидан келиб чиқиб, судьяларнинг фаолияти самардорлигини баҳолашнинг электрон рейтинг жорий этилаётир. Шу пайтгача судьянинг фаолияти икки ярим йилда бир марта малака ҳайъати томонидан баҳолаб келинди. Бундай тартиб инсон омили таъсирини сақлаб қолиши бартарафидан халқаро мезонларга жавоб бермаслигини шиддатли

замон кўрсатиб қўйди.

Сирасини айтсак, суд тизимига муносиб кадрни танлаш ва тайинлашда адолат бўлса, судда адолат бўлади. Очиқлик ва шаффофликсиз бунга эришиш қийин. Кенгашнинг илк бор судьяликка номзодларни лавозимга тайинлашга бағишланган кейинги йиғилишларига оммавий ахборот воситалари ходимларига таклиф этилганидан жамоатчиликнинг хабари бор. Илк тажрибалар чакки натижа бермади. Энди бу каби тартиблар бардавом бўлади. Чунки Фармон талабига кўра, муносиб кадрларни танлаб олиш ҳамда судьялар танловининг очиқ ва шаффофлигини самаралироқ таъминлаш учун илк бор судьялик лавозимларига танлаш ва тайинлаш жараёнларини ОАВ ва интернет орқали онлайн тарзда тўғридан-тўғри ёритиб бориш тизими жорий қилинмоқда.

Шерзод АБДИҚОДИРОВ, Судьялар олий кенгаши аъзоси:

— Ушбу Фармон Судьялар олий кенгашининг олдига бир қатор муҳим вазифаларни қўяди.

Фармонда белгиланган вазифалар ижросини ҳар томонлама самарали таъминлаш мақсадида, Судьялар олий кенгаши ҳузурида тегишли Ишчи гуруҳи тузилди. Ишчи гуруҳи томонидан айни пайтгача “Судьяларнинг дахлсизлигини янада кучайтириш ҳамда тизимда коррупциянинг олдини олиш бўйича кенг қўламли чора-тадбирлар режаси” ишлаб чиқилди.

Ушбу чора-тадбирлар режасида Фармоннинг ҳар бир банди юзасидан аниқ вазифалар белгиланган. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш, уларни бартараф этиш ҳамда 2021 йилда суд органлари тизимида коррупцияга қарши курашиш чораларининг самардорлигини оширишга қаратилган тегишли дастурни 2021 йил 30 январгача ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, судьялар ва суд ходимларининг касбий малакаси, маънавияти ва масъулиятини ошириш, шунингдек, тизимда коррупциянинг барча кўринишларига муросасиз юзасидан онлайн ўқувлар ташкил этиш, тизимда коррупцияга йўл қўйилишига омил бўлувчи ҳар қандай ҳолатларни доимий равишда таҳлилий ўрганиб, уларни бартараф этиш чораларини кўриш, бунда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва

фуқаролик жамияти институтлари билан яқиндан ҳамкорликни йўлга қўйиш каби масалалар шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, судьялар фаолиятини баҳолаб боришнинг электрон дастурини ишлаб чиқиш ва жорий этишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Бу жараёнда имкон қадар инсон омили иштирок этмаслиги инобатга олинган. Махсус дастур судьянинг энг асосий 10 га яқин йўналиш бўйича амалга ошираётган ишларини баҳолаб, рейтинг балларини қўйиб бораверади.

Қахрамон ИСАРОВ, жиноят ишлари бўйича Янгийўл шаҳар суди раиси:

— Кенгаш аъзоси томонидан судьяларнинг фаолияти электрон тарзда баҳолаб борилиши судьялар корпусини ҳар томонлама муносиб кадрлар эвазига мустақамлашга, тизимда коррупциянинг олдини олишга ижобий таъсирини кўрсатади. Эътибор қилинг, баҳолаш жараёнида судьянинг профессионал фаолияти билан боғлиқ бўлган қуйидаги масалаларга алоҳида аҳамият қаратилади:

- судья томонидан чиқарилган қарорларнинг қонуний, асосли ва адолатлилиги;
- судьянинг суд ҳужжатларини тузишга қўйилган процессуал талабларга қай даражада риоя этганлиги;
- суд ишларининг кўрилиши самарали ташкил этилганлиги;
- суд қарорлари ижроси таъминланганлиги;
- жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қонунда белгиланган тартибда кўриб чиққанлиги;
- Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилганлиги;
- касбий малакасини ошириш ҳамда ҳуқуқий тарғибот борасида амалга оширган ишлари. Айтиш керакки, юқоридаги барча йўналишлар судьянинг фақат қонун доирасида ишлашини тақозо этади. Акс ҳолда, кўрсаткич баҳолари пасайиб бораверса, ўша судьяга нисбатан тегишли чоралар кўрилишига сабаб бўлади. Судьялар олий кенгаши томонидан қўйилаётган ушбу талаб, ҳар бир судьяга ўз устида доимий ишлаш, профессионал фаолиятида қонунбузилишига йўл қўймаслик вазифасини юклайди.

Фармоннинг ўзига хос жиҳатларидан яна бири шундаки, унда судьялар мустақиллигини таъминлаш ва суд тизимида коррупциянинг олдини олиш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагича белгилаб берилди:

- судьяларнинг одил судловни амалга ошириш бўйича касбий фаолиятини ҳар қандай кўринишдаги ташқи таъсирлардан самарали муҳофаза қилишни таъминлайдиган ҳуқуқий механизмларни яратиш;
- судьяликка кадрларни танлаш, тайёрлаш, лавозимга тайинлаш, шунингдек, судьялар фаолиятини баҳолашда холислик ва шаффофликни таъминлаш, ушбу жараёнларга замонавий ахборот технологияларини изчил жорий қилиш;
- судьялар ва суд аппарати ходимлари орасида коррупция ҳолатларининг олдини олиш ва барвақт аниқлашга қаратилган тизимни йўлга қўйиш ҳамда суд тизимида аниқланган ҳар қандай коррупциявий ҳаракатни муросасиз ҳолат, деб баҳолаш;
- судьяларнинг касбий малакаси, маънавияти ва масъулиятини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш орқали юксак профессионал судьялар корпусини шакллантириш.

Сирожддин ҚУВВАТОВ, Жиззах вилоят иқтисодий суди судьяси:

— Ҳамкасбларим қаторида ушбу Фармоннинг учта муҳим жиҳати ҳақида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Биринчидан, Кенгашга келиб тушаётган шикоятларни умумлаштириб таҳлил қилиш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш борасида судьялар малака ҳайъатлари билан биргаликда аниқ чоралар белгилаш вазифасини юклаш. Бу вазифанинг қўйилиши маҳаллий ва хорижий экспертлар томонидан юксак баҳоланган янги Ўзбекистон давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланган халқ билан мулоқот, аҳоли томонидан йўлланаётган мурожаатлар билан ишлаш механизмларини такомиллаштиришда амалий аҳамият касб этади. Кенгашга йўлланаётган баъзи бир мурожаатларда судьяларнинг фаолияти билан боғлиқ жиддий муаммолар ҳам акс этади. Ушбу мурожаатларни умумлаштириш, таҳлил қилиб

бориш, жойлардаги малака ҳайъатлари билан биргаликда аниқ чоралар белгилаш соҳадаги айрим муаммоларга ечим топилишига асос бўлади.

Иккинчидан, судьяларнинг одил судловни амалга оширишдаги фаолиятини рағбатлантиришни йўлга қўйиш. “Ибратли судья” мукофоти, одил судловни амалга оширишда узоқ йиллар самарали меҳнат қилиб пенсияга чиққан судьялар учун “Суд фахрийси” кўкрак нишонининг жорий этилишини суд тизимидаги тарихий воқеликлардан бири, деб ҳисоблайман. Сабаби, мустақил Ўзбекистон суд тизимида айни пайтгача судьяларни бундай мукофот билан рағбатлантириш назарда тутилмаган эди. Инсонни рағбатлантириш унинг фаолиятидаги самардорликни оширишга хизмат қилади. Лекин шунинг унутмаслигимиз керакки, биз судьялар ўзимизнинг фаолиятимиз билан мана шундай мукофотларга лойиқ бўлишимиз керак. Табиийки, бунинг учун ҳар биримиз Ўзбекистон Республикаси номидан чиқариладиган қарорларнинг қонунийлигига, адолатлилигига, холислигига эришимиз шарт.

Учинчидан, Кенгаш ҳузурида амалдаги моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини тўғри қўллаш бўйича тавсиявий характерга эга бўлган маслаҳатлар ҳамда судьяларнинг Одоб-ахлоқ қоидаларини муайян вазиятларда қўлланилиши юзасидан сўровларига тушунтиришлар бериш ваколатига эга бўлган жамоатчилик асосида фаолият юритувчи Судьялар клубини ташкил этиш. Унинг доимий аъзолари таркиби кўп йиллик иш тажрибасига, чуқур билим ва юксак обрў-эътиборга эга бўлган амалдаги ва фахрий судьялар орасидан шакллантирилади. Клуб ҳуқуқ нормаларини тўғри қўллаш бўйича тавсиявий характерга эга бўлган маслаҳатлар ҳамда судьяларнинг Одоб-ахлоқ қоидаларини муайян вазиятларда қўлланилиши юзасидан сўровларига тушунтиришлар бериш ваколатига эга бўлади.

Амалиётдан келиб чиқиб айтадиган бўлсам, Судьялар клубига ҳам ҳаётини зарурият бор. Айниқса, илк бор судьялик лавозимига тайинланган айрим судьялар моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини тўғри қўллашга қийналади. Бунда катта ҳаётини ва иш тажрибасига эга бўлган судьялардан ташкил топадиган Судьялар клубининг амалий маслаҳатлари қўл келади.

айтиладиган сўз эмас,

ҳаётнинг бош маъноси

Ирода МУҲАММЕДОВА,
жиноят ишлари бўйича
Бектемир туман суди
раиси:

— Давлатимиз раҳбари Конституциямиз қабул қилинганлигининг 28 йиллиги муносабати билан халқимизга йўллаган табригида мамлакатимиздаги очиқлик, шаффофлик масаласига алоҳида тўхталиб, қуйидаги фикрларини билдириб ўтган эди: “Бир ҳақиқат ҳаммамизга аён бўлиши керак: барча соҳаларда амалга ошираётган ислохотларимиз қатори жамиятимизда очиқлик ва ошкоралик, ўзини ўзи танқид ва демократик янгилашни жараёнлари энди ҳеч қачон ортага қайтмайди ва биз бу йўлни қатъий давом эттирамиз”.

Дарҳақиқат, Фармонда белгиланган бир қатор вазифалар ҳам бевосита янги жамиятимиз талабига айланган давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги масаласи билан чамбарчас боғланган.

Хусусан, 2021 йил 1 февралдан бошлаб суд тизимида коррупция ҳолатларининг олдини олиш, Кенгаш (бу ўринда Ўзбекистон Республикаси судьялар олий кенгаши назарда тутилмоқда) ва суд тизими фаолиятида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш борасида:

— илк бор судьялик лавозимларига номзодларни танлаш бўйича имтиҳон жараёнларини интернет тармоғи (веб-сайт) орқали онлайн тарзда ёритиб боришни йўлга қўйиш;

— судьялик лавозимига номзодлар ва судьяларнинг психологик портрети бўйича касбга муносиблигини баҳолашга кўмаклашувчи электрон дастурни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш назарда тутилган.

Бу ҳар иккала масала ҳам ниҳоятда жиддий аҳамиятга эга. Судьялар корпусини шакллантириш жараёнида энг муҳим босқич бўлган илк бор судьялик лавозимларига номзодларни танлаш бўйича имтиҳон жараёнларини интернет тармоғи (веб-сайт) орқали онлайн тарзда ёритиб боришни йўлга қўйиш Кенгаш фаолиятининг очиқлигини таъминлаш баробарида судьяликка энг муносиб номзодларни танлашда ҳолисликка, ҳаққонийликка эришишга олиб келади. Ўрни келганда таъкидлаш жоизки, амалиётда бу масалада дастлабки қадамлар қўйилган. Айтилган Судьялар олий кенгашининг судьяларни танлаш синов имтиҳонлари шаффоф тарзда ўтказилиб, судьяликка номзодлар ҳамда жамоатчилик вакиллари ушбу жараёнда берилаётган саволлар ва уларнинг жавобларини онлайн тарзда

бевосита кузатиб бориш, ўзига хулоса чиқариш имкони яратилмоқда. Бундай очиқлик баъзи бир асоссиз шубҳа ва гумонларга ўрин қолдирмайди. Натижада энг муносиб номзодлар судьяликдек масъулиятли лавозимга тайинланишига эришилади. Шунинг ҳам эътирофи этиш жоизки, олдинлари жамоатчилик судьяларни лавозимга танлаш ва тайинлаш жараёнидан мутлақо беҳабар эди.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур Фармонда белгиланган вазифалар судьяларни лавозимга танлаш ва тайинлаш билан боғлиқ халқаро принципларга тўла мос келади.

Акмал МИРЗАХАНОВ,
жиноят ишлари бўйича
Бектемир туман суди
судьяси:

— Ирода Эргашевнинг фикрларини қўллаб-қувватлаб айтмоқчиманки, давлат органлари фаолиятининг шаффофлигини таъминлаш жамият ва жамоатчилик ўртасида сифатли мулоқотни йўлга қўйиш имкони беради. Қолаверса, Судьялар олий кенгаши томонидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисидаги кенг қамровли маълумотларни ўз вақтида аҳолига тақдим этиш, мана шу йўналиш бўйича жамиятнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондириш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб айтиладиган бўлсак, биз бугун фикр-мулоҳазаларимизни билдираётганимиз “Судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш ҳамда суд тизимида коррупциянинг олдини олиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида белгиланган масалалардан яна бири — Судьялар олий кенгашидаги оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қилиш шўъбаси негизда Матбуот хизматини ташкил қилиш масаласидир.

Тобора мураккаб тус олиб бораётган глобаллашув натижасида бугунги миллий ва халқаро медиа маконда юзага келаётган вазият, тарқалаётган турли ахборотларга нисбатан муносабатни шакллантиришда Матбуот хизматининг алоҳида ўрни бор.

Судьялар олий кенгашида Матбуот хизматининг йўлга қўйилиши, Кенгашнинг оммавий ахборот воситалари, кундан-кунга ривожланиб бораётган ижтимоий тармоқлар, давлат органлари ва ташкилотларининг расмий веб-сайтлари билан ўзаро алоқасини янги бир босқичга олиб чиқади.

Шунингдек, ушбу тузилма матбуот анжуманлари, брифинг-

лар, медиатурлар ташкил этиш йўли билан Кенгаш фаолияти ҳақида аҳолига мунтазам, тўлиқ ва тезкор равишда ахборот тақдим этиб бориш амалиётини шакллантиради.

Матбуот хизмати юқорида келтирилган тадбирлар орқали халқимизни, қолаверса, халқаро жамоатчиликни Кенгашнинг фаолияти тўғрисида ҳолисона, сифатли ва тезкор хабардор қилади. Унинг оммавий ахборот воситалари билан самарали ҳамкорлик қилиши, бугунги кунда айрим журналистлар ва блогерлар томонидан тарқатилган судьялар фаолияти тўғрисидаги баъзи бир ноҳолис маълумотлар тарқалишининг ҳам олдини олади. Таъкидланганидек, мамлакатимизда судьяларни танлаш ва лавозимларга тайинлаш борасидаги янги ислохотларнинг моҳиятини очиб бериш, янгиликни қиёфа касб этаётган суд тизими билан боғлиқ кенг қамровли маълумотларни аҳолига ўз вақтида етказиш айнан мана шу тузилманинг самарали фаолияти билан амалга оширилади. Унинг фаолияти натижасида жамоатчиликнинг ҳуқуқий маданияти юксалишига эришилади.

Бир сўз билан айтганда, Судьялар олий кенгашининг имиджини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Муҳаммад ҚАЮМОВ,
жиноят ишлари бўйича
Мирзо Улуғбек туман суди
судьяси:

— Фармонда судьяларнинг юридик жавобгарлиги масаласини ҳал этиш пайтида уларнинг одил судлов билан боғлиқ фаолиятига ҳар қандай аралашувнинг олдини олиш мақсадида 2021 йилдан бошлаб бир қатор янги қоидалар жорий этилиши белгиланди.

Жумладан, судьяларнинг дахлсизлигини бузганлик ва одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига аралашганлик ҳолатлари юзасидан Кенгаш раиси киритган тақдимнома прокуратура органлари томонидан бир ой муддатда кўриб чиқилиб, жиноят иши кўзғатилганлиги ёки кўзғатиш рад этилганлиги ҳақида Кенгашга Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан хабар берилади;

судьяларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга гувоҳ ёки гумон қилинувчи сифатида сўроқ қилиш учун чақиришга тегишли малака ҳайъатлари розилиги билан йўл қўйилади;

суд ҳокимияти мустақиллигини ва судьялар дахлсизлигини таъминлаш, одил судловни

амалга оширишга тўққинлик қилаётган омиллар ва тизимда коррупцияга қарши курашиш ҳолати юзасидан Кенгаш раиси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентига йил якуни бўйича ахборот тақдим этиб борилади.

Ўзбекистон Судьялар олий кенгаши таркибидаги Судьялар дахлсизлигини таъминлаш бўйича суд инспекцияси негизда Судьялар дахлсизлигини таъминлаш ва коррупциянинг олдини олиш бўйича суд инспекцияси тузилади.

Бу судьялар дахлсизлигини таъминлаш самарадорлиги ошиши баробарида суд тизимида коррупциядек иллатга қарши муросасиз курашишга яна бир ҳуқуқий замин яратади. Чунки шу пайтгача тизимда ички хавфсизликни таъминлаш, коррупциянинг олдини олиш бўйича тузилма мавжуд эмас эди.

Янги тузилма коррупциявий омилларни тўлиқ бартараф этишнинг пухта ҳуқуқий механизmlарини жорий этади. Шунингдек, коррупцияга оид хабарларни тўлиқ, ҳолисона, ва энг муҳими, ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлайди. Коррупцияга олиб келувчи омилларни тизимли таҳлил қилиш ва бартараф этиш имконини ҳам беради.

Дўсмурод ТОШЕВ,
Чилонзор туман маъмурий
суди судьяси:

— Судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш жаҳондаги илғор демократик мамлакатлар тажрибасида ҳам ниҳоятда муҳим аҳамият касб этадиган вазифа ҳисобланади. Чунки судьянинг адолатли қарорлар қабул қилиши унинг мустақиллиги билан чамбарчас боғлиқдир.

Шунинг учун ҳам сўнгги йиллардаги суд-ҳуқуқ ислохотларининг асосий марказида судьяларнинг чинакам мустақил-

лигини амалда таъминлаш масаласи туради. Айтиш керакки, 2016 йилда бошланган суд ислохотларининг янги босқичи ҳам айнан судьянинг чинакам мустақиллигини таъминлашга қаратилган ўзгартиришлардан бошланган. Хусусан, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш мақсадида судьяларнинг ваколатлари муддати қайта кўриб чиқилди. Ва судьялик лавозимига биринчи беш йиллик, кейинги ўн йиллик ва муддатсиз даврга тайинлаш (сайлаш)ни назарда тутувчи янги тартиб жорий этилди. Ушбу масала бўйича халқаро тажриба таҳлил этиладиган бўлса, кўплаб ривожланган демократик давлатларда худди шундай амалиёт борлигини кўришимиз мумкин. Судьялик даврининг ушбу муддатлари умумэтироф этилган халқаро принцип ва стандартларга ҳам мувофиқдир.

Жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Суд органлари мустақиллигининг асосий принципларига тўла мос бўлиб, ўз навбатида, судьянинг ваколати муддати судьялик лавозимида юқори ёшига қадар сақланиб қолишини назарда тутади. Президентимиз ушбу масала бўйича қуйидаги фикрларни билдирган эди: “Биз бу борада жаҳон тажрибасини чуқур ўрганиб, ўз тарихимизда биринчи марта шундай янгиликни амалга оширдик. Шу асосда судьяларнинг фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича мустақиллигининг кафолатлари кучайтирилди. Содда қилиб айтганда, судья муддатсиз даврга тайинлансин, лекин у доим халқпарвар бўлиб, адолатли иш олиб борсин. Судья адолатли ҳукм чиқариши учун, аввало, халқни, унинг ҳаётини, дарду ташвишларини яхши билиши керак”.

“ Давра суҳбатида иштирок этган судьяларимизнинг фикр-мулоҳазаларидан келиб чиқиб хулоса қиладиган бўлсак, “Судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш ҳамда суд тизимида коррупциянинг олдини олиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент Фармони изчиллик билан амалга оширилаётган суд ислохотларининг мантиқий давоми сифатида судни “адолат уйи”га айлантиришга, пировард натижада “одамларни рози қилишга” мустақкам замин яратади. Зеро, АДОЛАТ ҳаётнинг бош мезонидир.

ҲАЁТНИНГ бетакрор қувончлари билан бирга қутилмаган зарбалари борлигини яхши тушуниб етдик. Ўтайётган 2020 йил асрларга татийдиган синовларни бошга солгани, қанча-қанча сабоқлар бергани ҳам айти ҳақиқат. Одамзоднинг оёқ-қўлларини кўзга кўринмас занжир билан болаган давр сифатида, ушбу дарди-бало туфайли топганимиздан кўра кўпроқ йўқотишларимиз йили сифатида тарих саҳифаларига муҳрланаётган йил ниҳоясига етиб бормоқда.

Бор бўлинг, яхши одамлар!

Меҳр-оқибат ҳам синовдан ўтди

ЭССЕ

Бугун бутун дунё сиёсат арбоблари, олимлари ҳам бу мураккаб жараёнларнинг жиддий туғулларини еча олмай бош қотирмоқда, жаҳон иқтисодиётининг тегиримонлари қандай оғир айланаётганлигини барчамиз билиб, ҳис қилмоқдамиз. Ортада қолган имкониятлар, йўқотишлар, узлишларнинг ўрнини тўлдириш осон эмаслигини англаш қийин эмас. Вақтни эса ортга қайтариб бўлмайди. Фақат яхши ният ва эзгу умидлар бизга таскин бериши, кўнглимизга ёруғлик бахш этиши мумкин. Бу сатрларни ўқиб, ҳар бир замондошимиз қалбини ойдинлик эгалласин, деган ниятдамиз.

●● Инсондаги энг қимматли нарса бу — ҳаёт...

Таникли ёзувчи Николай Островскийнинг “Пўлат қандай товланди?” деб номланган машҳур романини яхши биласиз. Асардаги куйидаги сатрларни кўпчилик ёддан билиши аниқ: “Инсондаги энг қимматли нарса бу — ҳаётдир. У инсонга фақат бир марта берилади. Уни шундай яшаш керакки, токи мақсадсиз ўтказилган йиллар учун ўқиниш, азоб ва армонлар бўлмасин...”. Бу сўзларни биз ҳам ўқувчилик йилларимизда ёд олганмиз. Бугун эл бошига иш тушган синовли кунларда замондошларимиз қандай товланаяпти, деган савол ҳаёдан ўтиши табиий. Тан олиш керак, карантин эълон қилинган дастлабки кунларда бу қутилмаган ҳолатдан кўпчилик боши берк кўчага кириб қолгандек довдираб қолди. Бозорларда тўпланган ярим йиллик захирани одамлар ўн беш кун ичида уйларига ташиган ваҳимали кунларни ҳозир эслаш бироз ғалати. Гўёки очкўзлик хуружи авж олгандек эди. “Соҳлар оқаради, тишлар тўкилади, кўзлар кўрмай ва қулоқлар эшитмай қолади — фақат очкўзликкина қаримайди”, деган гапнинг маъносини ўшанда яна бир қарра англагандек бўлди.

Тўғри, касаллик бутун дунё эшикларини ёпишга мажбур қилди. Ер шарига малҳам бўладиган, нажот берадиган ҳеч нарса топилмади. Бошларда чарх ураётган ваҳимали ҳаёллар дунё дарвозаларини эмас, ҳатто қўшни кўча, қўшни маҳалла, қўшни хонадоннинг эшикларини ҳам беркитишга мажбур қилди. Тўю томошаларни, машваратларни, кадрдон манзилларни, сеvimли ишларни, азиз инсонлар билан дийдорлашишларни вақтинча унутдик...

Кўп нарсани унутдик, аммо хайриятки, одамийлик унутилмади. (Тўғри, миллатимизга хос бўлмаган дилтангликлар, нохушликлар ҳам бўлди. Аммо булар ҳақида ҳозир эсламоқчи эмасмиз.) Чунки оғир кунда охириги нонини ҳам муҳтожлар билан баҳам кўришга ўрганган халқимиз. Кам таъминланган оилалар ва эҳтиёжмандларга ёрдам кўрсатиш мақсадида “Ўзбекистон меҳр-шафқат ва саломатлик” фонди тузилди. Меҳридарё одамлар ўзлари ёрдамга, мададга муҳтож бўлса ҳам, бу фондга

қўлдан келганча мададкор бўлишни фарз, деб билди. Бу кадрятларимиз ҳали ҳам миллатимизнинг шаъни каби улуғ эканлигидан далолатдир. Меҳрибонлик ўшандай оғир кунларда яна бир қарра синовдан ўтди.

●● Бор бўлинг, меҳри дарё одамлар

Азал-азалдан бир-бирини кўрмас туролмайдиган, сал бетоб бўлиб қолса қўшнисини тансиқ таом билан кириб кўрмагунча кўнгли тинчимайдиган, Худо кўрсатмасин, бировнинг бошига оғир мусибат ёки жудолик тушиб қолгудек бўлса, тунларни бирга бедор ўтказадиган, таскин, тасалли учун сўз тополмайдиган олижаноб халқимиз бор.

Кўнгиллар бир-бирини ғамлардан, қайғулардан ана шундай муҳофаза қилади, ана шундай меҳр туфайли тоғдек армонлар, қайғулар титилиб кетади, андуҳлар тарқалади. Инсон яшаш учун яна куч топади, яна бардош топади. Биз шундай халқимиз. Йиқилганини суяш бизга ота-бобомиздан мерос қолган. Ўзимиз ширин сўзга муҳтож бўлсак ҳам, кўнгли яримларни кўнглини тўлдиришга ўрганганмиз. Ҳукуматнинг катта қарвонига қўшилган бу денгиздан томчилар элга мадад, юртга қанот бўлгани аниқ. Зеро... Хайр-эхсон энг эзгу амаллардан бири эканлигини яхши биламиз.

Ўзбекистонимизнинг дарди-дармон бўлиш барчани янада бирлаштирди. Бугун шундай замондошларимиз, миллатдошларимиз билан фахрланишнинг ўзи камлик қилади. Уларга ташаккур айтиш учун яхшиликнинг муқофоти яхшилик бўлсин, дея уларнинг айримларини қаламга олишга ҳаракат қилдик.

Туя сўйиб, элга тарқатган самарқандлик танги инсонлар билан замондош эканлигимиздан чексиз ғурурландик. Самарқанд вилояти Нуробод туманида истикомат қилувчи Раҳмон Маҳмудов тўй қилганда ҳам туя сўймаган. Аммо халқимиз бошига тушган бу оғир синовли кунлар унинг ҳам юрагини ўпириб юборгандек бўлди. Юртга келган “тўй”га томошабин бўлиб туришга сабри чидамади. Бугунги кийинчиликлар бир кун ўтиб кетади, аммо қўлидан келган ёрдамни бермагани учун эртага виждони олдида қийналиб юришни истамайдиган мард ва танги инсон маҳалласидаги ёрдамга муҳтож оилаларга

уйидаги туясини сўйиб, гўштини текинга тарқатди.

Ўзи Америка Қўшма Штатларида мусофир бўла туриб, Тойлок туманидаги қариндошларини, яқинларини, ҳамқишлоқларини ўйлаётган яна бир ҳамюртимиз Анваржон Ҳотамовдан ота юртидаги тўртта маҳалла оилаларига кўрсатган эҳсонини учун ҳамқишлоқлари беҳад миннатдор бўлди. Меҳр-оқибат шундай кунларда синалади, деб уни дуо қилишди.

Ёки ҳар гал Навоий шаҳридаги “Меҳрибонлик уйи” дарвозаси олдида ўзлари юпунгина кийинган, савоб учун бола-чақасидан орттириб, бу маскан тарбияланувчиларига нон-насиба илиниб келган етти ёт бегоналарни кўриб юракни тўлқинлантирувчи бир илик туйғу қалбни эгаллайди. Бугуннинг қийинчиликларини шу тариқа енгаётган, бахтсизликни бахтга алмаштиришга ҳаракат қилаётган оддий одамларга таъзим қилгингиз келади.

Хуллас, бу хайрли қарвондан ҳеч ким четда қолгани йўқ. Саховатли инсонларни ҳар бир шаҳарда, ҳар бир маҳаллада, ҳар бир қишлоқда ўнлаб, юзлаб, минглаб учратиш мумкин. Уларнинг кўрсатган ёрдамлари денгиздан бир томчи бўлиши мумкин, аммо у чин юракдан қилинган меҳрибонлик рамзидир. Меҳрибонлик эса ҳамиша олий туйғу. Бор бўлинг, меҳрибон кўнгиллар, меҳри дарё одамлар!

●● Умидворлик... энг улуғ туйғу!

Замондошларимиз ҳаётидаги манзараларни кўриб, яна бир қаҳрамонимизнинг жасорати, матонати, энг муҳими, ўзбек халқига кўрсатган беиминнат хизматини эслашни лозим топдик. Тўғри, пандемияга, бугунги синовли кунларга бу одамнинг алоқаси йўқ, аммо унинг умри, ҳаётда қолдирган изи ўзбекистонликларга алоқадор ва бу боғлиқлик ўзбек халқи учун, биз учун, сиз учун катта ҳаёт мактаби, дейишга арзийди.

АҚШнинг Ногиронларга беғараз ёрдам кўрсатиш “NEW HOPE” “Янги умид” Халқаро фондида қарашли Тошкентдаги сихатгоҳда йигирма беш йилдан ортиқ раҳбарлик қилган, минг-минглаб одамларнинг ҳаётига бахт ва ёруғлик олиб кирган фидойи инсон доктор Рональд Хонг жаноблари билан бу олижаноб қалб эгасининг пойтахтда ўтказилган 90

йиллик юбилеи тантанасида танишиш насиб этганди. Ўзи ёрдамга муҳтож, жисмоний имконияти чегараланган инсоннинг бошқаларга беиминнат ёрдам беришини Сиз қандай баҳолаган бўлардингиз? Менимча, бундай олижанобликнинг таърифи ҳам, баҳоси ҳам йўқ!

Рональд жаноблари Жанубий Кореяда ишчи оиласида дунёга келган. 20 ёшида муҳтож ҳалоқат туфайли чап оёғидан айрилган йигитнинг ҳаётидаги оғриқлар даҳшатини тасаввур қилиш қийин эмас. Умидлари сўнгган йигитнинг умрига Кореяга ташриф буюрган америкалик шифокорлар янги мазмун бахш этди. Шифокорлар унинг оёғини кесиб, унга ясама оёқ билан юришни ўргатишди.

Инсоннинг қалбини умидворлик ва эзгу ниятлар ҳар қандай ҳалоқатдан қутқариб қолиши аниқ. “Яқинларингни ўзингни севгандек севишга ўрган!” ақидаси Рональд Хонгнинг ҳаётдаги шиорига айналди. Америкалик шифокорларнинг энг катта ютуғи Рональднинг юрагига ўзгаларга яхшилик қилишдек улуғ бир туйғунини бахш этганлигида. Одамларга ёрдам бериш иштиёқи уни ортопедия соҳасини пухта эгаллашга ундади. У замонавий протезлар ясашни ўрганди. 1969 йилда Америкага кўчиб кетди. Таникли фирмаларда, корхоналарда сунбий оёқ ясаб борасида етакчи мутахассис бўлиб ишлади. Мичиган штатида рафикаси Суен Хонг билан фарзандларини камолга етказди.

Оллоҳ бандасининг ризқини қурраи заминнинг қайси гўшасига сочган бўлса, у ўша ерда териб олади. Рональд жанобларига аталган ризқнинг бир қисми Ўзбекистонга сочилган экан. Ҳаммаси оиласи билан Ўзбекистонга саёҳатга келишдан бошланди. Рональд Хонг юртига қайтиб, бу ажойиб ўлкага яна бориш ва ногиронларга ёрдам берувчи марказ очиб аҳд қилди. Анча бюрократик қийинчиликлардан сўнг тўқсонинчи йилларнинг ўрталарида бу марказ очилиб, минглаб ёрдамга муҳтожларга беиминнат ёрдамлар берилди ва ҳозир ҳам бу хайрли миссия давом этмоқда.

Юбилей тантанасида 90 ёшга кирган нуруний инсон бутун тадбир давомида ўзига билдирилган миннатдорлик сўзларини тинглаб, кўз ёшларини яширолмаётган гувоҳ бўлди. Ва қалбимизнинг аллақасида инсонийлик, шукро-

налик туйғуларини шу инсондан ўрганишимиз керак, деган иқдор пайдо бўлди. Энг муҳими, шундай улуғ ёшга кирган, залдагиларнинг деярли 80 фоизига беиминнат ёрдам бериб, керак бўлса, “ўтказиб қўйган” инсон ўз шаънига билдирилган ҳар бир сўз, ҳар бир табрикни ўрнидан туриб, таъзим билан қабул қилганида юракларимиз беихтиёр қалқиб кетди. Дунёни одамийлик ва яхшилик қутқаришига яна бир қарра иймон келтирдик.

●● Катталарга ўрناق бўлган жажжи қизалоқ

Болалигимиздан қушларга, жониворларга озор бермаслик ҳақида катталардан дарс олганмиз. Қорда қолган гулларга, кўчада совуқдан қалтираб турган жониворларга, ўзига бошпана излаётган қушларга доимо ёрдам бергимиз келган.

Онаси мактабда танаффусда тамадди қилиши учун сумкасига солиб юборган егуликни йўлда совуқда қолган мушукчага бериб жониворга ғамхўрлик қилган қизалоқ 2020 йилда кашф этган қаҳрамонларимизнинг энг кичиги. Зарафшон шаҳридаги 4-умумий таълим мактабининг 2-синф ўқувчиси Жанерки Эрнарарова уйсиз хайвонларга меҳрибонлик кўрсатгани учун кўпчиликка намуна бўлди. Унинг митти юрагида катта меҳр ва шафқат борлиги билан ҳар қанча фахрлансақ арзийди. Қизалоқ кафтдек юраги билан одамийликнинг баланд қояларига интилаяпти. Ҳар биримиз ундан ўрناق олиш, унга ҳавас қилиш, уни қўллаб-қувватлаш ва уни эъзозлашга бурчлимиз! Айниқса, табиатнинг ноёб мўъжизалари бўлган гўзал жониворларни нафс тузоғига илинтираётган айрим кимсалар бу жажжи қаҳрамондан ўрناق олса, деймиз.

Бугун гоҳ ёруғ, гоҳида қоронғу йўллар қарвонидамиз. Аммо яхшилик ҳали бизнинг ёнимизда, бизнинг қаршимизда, бизнинг кўнглимизда эканлигини ҳис этиб турибмиз. Бахт ва умид эпкинларидан қалбимиз энтиқиб-энтиқиб нафас олаёلمиз. Нигоҳимиз кундан-кунга юксалиб бораётган одамийлик қояларини кўзлаётганидан хурсандмиз. Бор бўлинг, яхши одамлар...

Маруса ҲОСИЛОВА,
“Инсон ва қонун” муҳбири



Жиззах
ВИЛОЯТИ

МУРОЖААТЛАР ЕЧИМ ТОПМОҚДА

ПАНДЕМИЯ сабаб ҳаётимизда, яшаш тарзимизда, иш фаолиятимизда янги усуллар, ўзгача таъминлар пайдо бўлди. Кўпгина чекловларнинг жорий этилиши эса, албатта, турли ноқулайликларни ҳам келтириб чиқаргани сир эмас. Мана шундай шароитда ҳам фуқароларимизнинг давлат органлари ва ташкилотларига мурожаат қилиш ҳуқуқларини чеклашга йўл қўйиб бўлмади.

Мазкур ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида Жиззах вилояти адлия бошқармаси томонидан бир қатор ишлар амалга оширилди ва бу, ўз навбатида, ижобий натижаларни кўрсатмоқда.

Жумладан, туман, шаҳар адлия бўлимлари билан бирга ижтимоий тармоқда 144 та телеграм гуруҳлари ташкил қилинган бўлиб, мазкур гуруҳлардан ҳозирги кунда жами 84 мингдан ортиқ фуқаролар фойдаланмоқда ҳамда ўзларига керакли бўлган ҳуқуқий ахборот ва маълумотларни олишга муваффақ бўлмоқда.

Жумладан, фуқаролардан жами 1038 та онлайн мурожаат келиб тушган бўлиб, барчаси тегишли тартибда кўриб чиқиши таъминланган.

Телеграмдаги гуруҳлар орқали мурожаат қилаётган фуқароларнинг қийнаб келаётган муаммолари ва ҳуқуқий масалаларини ҳозирги кундаги ахборот технология ва имкониятлардан фойдаланган ҳолда тезкорлик билан ҳал этиш имконияти яратилди.

Шунингдек, бошқарма томонидан вилоятдаги жами 295 та маҳалла фуқаролар йиғинини жамлаган ҳолда "Fuqarolar yig'ini raislari va adliya" номи телеграм гуруҳи ташкил қилиниб, маҳалла фуқаролар йиғинларида қонунчиликни кўллашда жойлардаги мавжуд муаммоларни эркин муҳокама қилиш ва фикр алмашиш учун электрон майдон яратилди.

Шу билан бирга, бошқарма томонидан жорий йилнинг охирига қадар вилоятдаги энг чекка ҳудудларда жойлашган маҳалла фуқаролар йиғинларида сайёр қабуллар ташкил қилиш ҳамда уйма-уй юриб карантин даврида фуқароларни қийнаб келган муаммоларни ўрганиш ва жойида бартараф қилиш каби бир қатор ишларни амалга ошириш борасида ҳар бир туман адлия бўлимлари учун сайёр қабуллар жадвали тасдиқлаб берилди. 2020 йилнинг 4-чораги давомида туман, шаҳар адлия бўлимлари томонидан аҳолига бепул ҳуқуқий маслаҳат бериш тадбирлари доирасида жами 160 та маҳалла фуқаролар йиғинларидаги 3200 нафардан зиёд аҳоли билан суҳбатлар ташкил этилди. Суҳбатлар жараёнида 326 та мурожаат қабул қилиниб, шулардан 245 тасининг қонуний ҳал этилишига эришилди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож "Темир дафтар"га киритилган оилаларнинг муаммоларини ўрганиш ва уларга ҳуқуқий ёрдам бериш ишлари давом этмоқда.

Эшбек МАХАММАДИЕВ,
Жиззах вилоят адлия бошқармаси
бошлигининг биринчи ўринбосари

Фарғона
ВИЛОЯТИ

ҚОНУНГА ИТОАТСИЗ РАҲБАР МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИККА ТОРТИЛДИ



ФАРҒОНА шаҳар, Чуқур кўчаси, 115-уйда яшовчи фуқаро М.Курганова шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси томонидан иш ҳақи тўлаб берилмаётганидан, шаҳар аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази раҳбарияти эса айни масалага эътиборсизлик билан қараётганидан норози бўлиб шаҳар адлия бўлимига мурожаат қилди.

Шаҳар Адлия бўлими томонидан аёлнинг мурожаати атрофлича ўрганиб чиқилди. Натижада, ҳар иккала ташкилот масъулари томонидан Меҳнат кодексининг 99, 110, 154 ва 161-моддалари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 октябрдаги 799-сонли қарори билан тасдиқланган "Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил қилиш тартиби тўғрисида"ги Низом талаблари бузилганлиги аён бўлди. Шу боис, шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси ва шаҳар аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига қонун ҳужжатларининг бузилиши, уларнинг сабаблари ва бунга имкон берувчи шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тақдимнома киритилди.

ритилди.

Шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси тақдимномага жавобан М.Курганованинг 751.300 сўмлик иш ҳақини тўлаб, қонунбузилиш ҳолатини бартараф этди. Шаҳар аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази эса мазкур тақдимномага бепасанд қараб, ижросини таъминламагани учун марказ раҳбари Эргашали Ғаппоровга нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 198-моддаси, 1-қисми билан маъмурий ҳужжатлар расмийлаштирилиб, Фарғона шаҳар маъмурий судига юборилди.

Фарҳоджон ЖУМАЕВ,
Фарғона шаҳар адлия бўлими
етақчи маслаҳатчиси

Қашқадарё
ВИЛОЯТИ

КОМПЕНСАЦИЯ УНДИРИЛАДИГАН БЎЛДИ



ЯККАБОҒ шахридаги "Жамбул" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи бир гуруҳ фуқаролар бузилган савдо дўкони бинолари учун етказилган зарар қоплаб берилмаётганидан норози бўлиб Яккабоғ туман адлия бўлимига мурожаат қилган.

Президентимизнинг 2017 йил 27 мартдаги "2017-2019 йиллар даврида деҳқон бозорларини реконструкция қилиш ва уларнинг ҳудудида замонавий савдо мажмуалари қуриш дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги Қарорига асосан 2018 йилги дастурга кўра тумандаги эски буюм бозори ҳудудида замонавий типдаги 2 қаватли савдо мажмуаси қурилиши режалаштирилганлиги сабабли мурожаат муаллифларига тегишли бўлган савдо дўконлари бузиб юборилган.

Фуқаро Н.Р.га тегишли савдо дўкони биносининг бир қисми 237 278 033,82 сўм, фуқаро С.А.га тегишли савдо дўкони ва айвоннинг бир қисми 320 088 793, 15 сўм ва фуқаро Ш.Г.га тегишли савдо дўкони 36 924 141 сўмга баҳоланган бўлса-да, компенсация пуллари туман ҳокимлиги томонидан тўланмаган.

Туман адлия бўлими томонидан фуқаролик ишлари бўйича Яккабоғ туманлараро судига даъво аризалари киритилган, муаммо ижобий ҳал этилди. Фуқароларга 594 миллион 290 минг сўм компенсация пуллари ундириш юзасидан ҳал қилув қарори чиқарилди.

Илҳом ЭРГАШЕВ,
Яккабоғ туман адлия бўлими бошлиғи

Хоразм
ВИЛОЯТИ

ҲОКИМ ҚАРОРИ БЕКОР ҚИЛИНДИ

ХОРАЗМ вилояти адлия бошқармаси томонидан фуқаро И.Худайбергеновнинг тадбиркорлик фаолияти учун ер участкаси ажратиш тўғрисидаги Боғот туман ҳокимининг 2020 йил 7 июлдаги қарори билан бекор қилинганлигидан норози бўлиб қилган мурожаати ўрганиб чиқилди.

Ҳақиқатан ҳам, Боғот туман ҳокимининг 2020 йил 7 июлдаги қарори билан туман ҳокимлиги ҳузуридаги "Қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш масалаларини кўриб чиқиш бўйича" туман ишчи комиссиясининг 2020 йил 4 июлдаги йиғилиш баёнига асосан Боғот туман ҳокимининг 2018 йил 16 июлдаги 2060қ-сонли ва 2019 йил 17 июндаги 4413қ-сонли қарорлари бекор қилиниб, қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланди.

Вилоят адлия бошқармаси томонидан Боғот туман маъмурий судига туман ҳокимининг 1680қ-сонли қарорини ҳақиқий эмас, деб топиш юзасидан ариза киритилди. Суднинг қарорига асосан туман ҳокимининг юқорида қайд этилган қарори ҳақиқий эмас, деб топилди ҳамда фуқаро И.Худайбергеновнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Бекзод АТАБАЕВ,
Хоразм вилоят адлия
бошқармаси масъул ходими

Тошкент
ШАҲРИ

МУАММО СУД ОРҚАЛИ ҲАЛ БЎЛДИ



ЮНУСОБОД туман адлия бўлимига тумандаги 15-мавзёда яшовчи фуқаро У.Бозарова пенсия таъинлашда қўшилмаган йилларни иш стажига қўшишда амалий ёрдам сўраб мурожаат қилган.

Туман адлия бўлими томонидан мурожаатни ўрганиб чиқиш натижасида аниқланган камчиликларни бартараф этиш мақсадида туман маъмурий судига маъмурий органларнинг ғайриқонуний ҳаракати юзасидан шикоят аризаси киритилди. Туман Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси томонидан У.Бозарованинг умумий иш стажига қўшиб ҳисобланмаган 5 йилу 2 ойлик стаж суднинг ҳал қилув қарорига асосан тўлиқ қаноатлантириб берилди.

Жўрабек МАХСУДОВ,
Юнусобод туман адлия бўлими бошлиғи

Қорақалпоғистон
РЕСПУБЛИКАСИ

ҚУРУВЧИЛАРГА ИШ ҲАҚИ ТЎЛАБ БЕРИЛДИ

Мурожаатни ўрганиш давомида ходимларнинг август ойи учун 30 миллион 877 минг сўм миқдоридagi иш ҳақи ҳақиқатан ҳам тўланмаганлиги аниқланди.

Маълумки, Меҳнат кодексининг 154-моддасида иш берувчи ўзининг молиявий ҳолатидан қатъи назар, ходимга бажарган иши учун ҳақни белгиланган меҳнат ҳақи шартларига мувофиқ ушбу Кодекснинг 161-моддасида кўрсатилган муддатларда тўлаши шарт, дейилган. 161-моддада меҳнатга ҳақ тўлаш муддатлари ҳар ярим ойда бир мартадан кам бўлиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилган.

"Кўприкқурилиш" трести унитар корхонаси 14-кўприк отрядига тақдимнома киритилиб, 16 нафар ишчи-ходимнинг иш ҳақи тўлаб берилди.

Баҳодир ИКМЕТУЛЛАЕВ,
Тахياتош туман адлия бўлими бош маслаҳатчиси



25

YIL SIZ BILAN!



Asakabank

MUVAFFAQIYATLI TANLOV!